

килинганидан сунг хизмат кўрсатиш учун белгиланган давлат стандартлари, техник шартлар ва бошқа мувофиқ ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртмачи"нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Хизмат кўрсатувчи шартноманинг амал қилиш муддати давомида дастурнинг такомиллаштирилган версияларини exat.uz сайти орқали Буюртмачига бепул етказиб беради.

4.5. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.4. Фойдаланувчи томонидан Электрон рақамли имзо ёки Е-калит йўқотилганда

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муваққат равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома газначиликда рўйхатга олингандан сўнг 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг қилишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

#### IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «Бажарувчи»

##### «Буюртмачи»

|                                                          |                                                        |      |           |
|----------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|------|-----------|
| "Andijan Digital City Texnologik Parki Direktsiyasi" МЧЖ |                                                        |      |           |
| (ижрочининг номи)                                        |                                                        |      |           |
| Манзили                                                  | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси 2 уй. |      |           |
| тел\факс                                                 | (99855) 201-21-21                                      |      |           |
| х\р                                                      | 20208000105284390001                                   |      |           |
| банк номи                                                | "Ипак Йули" АИТ банкининг Андижон филиали              |      |           |
| МФО                                                      | 01120                                                  | СТИР | 307769144 |
| ХХТУТ                                                    | 58290                                                  |      |           |



Директор

3.Саматов

(имзо) (Ф.И.Ш.)

Мухр ўрни



Мухр ўрни

(имзо)

(Ф.И.Ш.)